

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

БОБОБЕКОВ ФАРХОД РУСТАМОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА ФАКТОРИНГ АМАЛИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2022 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Бобобеков Фарход Рустамович

Ўзбекистонда факторинг амалиётини ривожлантириш масалалари3

Бобобеков Фарход Рустамович

Вопросы развития практики факторинга в Узбекистане.....27

Bobobekov Farkhod Rustamovich

Issues of factoring practice development in Uzbekistan.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....56

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

БОБОБЕКОВ ФАРХОД РУСТАМОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА ФАКТОРИНГ АМАЛИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2022 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Iqt1494 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Додиев Фозил Ўткирович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Каримов Норбой Ғаниевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Бобоқулов Тўлқин Ибадуллаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, И.Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: +99871-239-28-71, факс: +99871-239-43-51, e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х. Жумаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби и.ф.д., профессор

С.К. Худойкулов

Илмий даражалар берувчи илмий семинар раиси и.ф.д., доцент

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати Жаҳон иқтисодиётида 2019 йилда бошланган глобал пандемия натижасида мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқалар узилиши ва бир вақтнинг ўзида талаб ва таклиф инқирози юз берди. Бунинг натижасида иқтисодий ўсиш кескин пасайиб, ишлаб чиқариш қисқарди, хизмат кўрсатиш соҳасидаги хўжалик субъектлар фаолияти тўхтаб қолди. Халқаро экспертлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, факторинг амалиёти турли хил инқирозлар даврида барқарор молиявий хизматлардан бири ҳисобланади. Бироқ Халқаро Факторинг Ассоциацияси (FCI) маълумотларига кўра, «2020 йил факторинг амалиёти учун энг оғир йиллардан бири бўлди. Умумий факторинг ҳажми дунё бўйича 6,5%га пасайди. Ассоциация маълумотларига таянсақ, факторингнинг ўсиш суръатларини 2021 йилда ҳам 2019 йил кўрсаткичларига етказиш имконияти бўлмади»¹. Бундай вазиятда факторинг амалиётини иқтисодиётга мос турлари, хусусан, регресс ҳуқуқли, реверсив ва исломий факторингнинг жорий қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда факторинг хўжалик субъектлари томонидан ташқи молиялаштиришнинг муҳим манбаларидан бири сифатида кенг тарқалмоқда. Айниқса, молиялаштириладиган маблағ кредит кўринишида эмас, балки хўжалик субъектлари тўғридан-тўғри дебиторлик қарздорлигининг умумий ҳажмига боғлиқлиги улар учун жорий активларни тўлдириш ва айланма маблағлар даврийлигини таъминлаш йўлида кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Ривожланаётган давлатларда амалга оширилган илмий тадқиқотларда факторинг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш йўлидаги драйвер вазифасини бажариши исботланган. Ушбу давлатларда факторингни иқтисодиётга мос турларини амалга ошириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг етарли эмаслиги, факторинг бўйича халқаро конвенцияларнинг ратификация қиланмаганлиги, Халқаро Факторинг Ассоциацияси (FCI)га аъзо бўлиш, қолаверса, тижорат банкларининг факторинг хизматини кўрсатишда факторинг компанияларидан устун келишига бағишланган илмий тадқиқотлар устувор аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда охириги йилларда дебитор ва кредитор қарздорлик ҳажми юқори бўлиб, буни камайтириш учун факторинг амалиётидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу амалиёт хўжалик субъектларига айланма маблағлари даврийлигини қисқартиришга кўмаклашади. Натижада, уларнинг ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ва бозорда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш учун молиявий имконият яратилади. Шунингдек, факторингни ривожлантириш банклар активлари диверсификация даражасини ошириб, уларнинг даромадларини кўпайтиради. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз тижорат банкларида факторинг амалиётининг улуши сезиларли эмас. Шунинг учун «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонда «илғор хорижий тажриба асосида факторинг

¹ <https://fci.nl/en/home/institution> FCI Annual Review 2021

амалиётини ривожлантириш»² вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларнинг самарали ва изчил бажарилиши натижасида факторинг амалиёти тижорат банклари учун асосий даромад келтирадиган манба сифатида аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш йўлида факторинг амалиётини ривожлантиришда кенг кўламли тадқиқотлар олиб бориш тақозо қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон «Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сон «Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 20 декабрдаги ПҚ-4069-сон «Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банкларида факторинг амалиётини ривожлантиришнинг назарий-методологик жиҳатлари: Dimitri B. Papadimitriou, Ronnie J. Phillips, L. Randall Wray, Khaled Soufani, L. Klapper, L.Vasilescu, S.Ivanovic, S.Baresa, S.Bogdan, W.H. Hillyer, M.H. R. Bakker, N. Van. Horen, W. Smith, JR, Ben J. Sopranzetti³ларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз ифодасини топган.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон [Фармони](https://lex.uz/docs/5841063). <https://lex.uz/docs/5841063>

³ Dimitri B. Papadimitriou, Ronnie J. Phillips, L. Randall Wray « Community-Based Factoring Companies and Small Business Lending » Working Paper No. 108 April 1994, Khaled Soufani «On the determinants of factoring as a financing choice: evidence from the UK » pp.239–252 Journal of Economics and Business Vol.54, 2002, L. Klapper «The Role of Factoring for Financing Small and Medium Enterprises» World Bank Policy Research Working Paper 3593, May 2005, L.Vasilescu «Factoring-financing alternative for SMEs» Management of International Business and Economics Systems pp.13-23, 2010, S.Ivanovic, S.Baresa, S.Bogdan «Factoring: Alternative model of financing» UTMS(University of Tourism and Management) Macedonia April 2, 2011 Journal of Economics ISSN:1857-1974, W.H. Hillyer «Four Centuries of Factoring» The Quarterly Journal of Economics, Vol. 53, No. 2 Feb., 1939, pp.305-311, M.H. R. Bakker, L.Klapper, G. F. Udell Financing Small and Medium-size Enterprises with Factoring: Global Growth in Factoring—and Its Potential in Eastern Europe. ISBN 83-89188-17-1 The World Bank, Poland, Warsaw Office Edition I, Warsaw 2004, B. Summers, N. Wilson Trade credit management and the decision to use factoring: an empirical study pp-37 Journal of Business Finance & Accounting, 27(1) & (2), January/March 2000, N. Van. Horen. Trade Credit as a Competitiveness Tool; Evidence from Developing Countries pp-1-34. World Bank and University of Amsterdam. February 2005, Shehzad L. Mian and Clifford W. Smith, JR. Accounts Receivable Management Policy: Theory and Evidence. The Journal of Finance. Vol. XLVII, №1. March 1992, Ben J. Sopranzetti. The Economics of Factoring Accounts Receivable pp-1-21pp Journal of Economics and Business 1998, Elsevier Science Inc., New York., Herbert R. Silverman. Factoring: Its Legal Aspects and Economic Justification. Journal: Law and Contemporary Problems. 1948, Vol. 13, No. 4, Secured Commercial Financing, pp. 593-608, Barbara Summers and Nicholas Wilson. Trade credit management and the decision to use factoring: an empirical study Journal of business finance and accounting., Vol. 27(1) Issue 2. -pp-37-67,

Яқин МДХ давлатларида факторинг амалиёти: О.И. Лаврушин, А.В. Канаев, Е.А. Сеница, И.Е. Покаместов, М.В. Леденев, Д.М.Чиж, Д.Е.Колобанов⁴ларнинг илмий изланишларида тадқиқ қилинган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан: Т.Каралиев, Ш.З.Абдуллаева, Т.У.Бобоқулов, А.А.Омонов, У.Ў.Азизов, Л.А.Рахматуллаев, Н.Ғ.Каримов, З.Умаровлар⁵ томонидан факторинг амалиётининг назарий ва амалий жиҳатлари ўрганилган. Шу билан бирга, факторинг амалиётини тижорат банклари ва факторинг компанияларда ривожлантиришнинг назарий-амалий асослари комплекс тарзда, тизимли мустақил тадқиқот объекти сифатида таҳлил этилмаган.

Олиб борилган тадқиқотлар ва уларнинг натижасида олинган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, факторинг амалиётини ривожлантириш ва уни тижорат банкларида татбиқ қилишда аниқ бир чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва шу аснода уни ривожлантириш тақозо қилинмоқда. Муаммонинг долзарблиги, факторинг амалиёти иқтисодий адабиётларда етарлича ўрганилмаганлиги ва қутилаётган илмий натижаларнинг муҳим илмий-амалий аҳамиятга эгалиги ушбу мавзунинг тадқиқот объекти сифатида танлашга асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Иқтисодий модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда факторинг амалиётини ривожлантириш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

факторингнинг вужудга келиши ва иқтисодий моҳияти бўйича илмий қарашларни тадқиқ этиш;

факторинг бўйича хориж тажрибасини ўрганиш ва улардан республикамизда фойдаланиш бўйича имкониятларни аниқлаш;

Ўзбекистонда факторинг амалиётини амалга оширишнинг меъерий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

мамлакатимиз тижорат банкларида факторинг амалиётининг жорий ҳолатини таҳлил қилиш ва ундаги тенденцияларни аниқлаш;

January/March 2000, Janet Kiholm Smith, Christjahn Schnucker. An empirical examination of organizational structure: The economics of the factoring decision. Journal of Corporate Finance Vol.1 -pp-119-138, 1994.

⁴Лаврушин О.И. Банковское дело Учебник. - Москва: Кнорус. 2013 414стр., А.В. Канаев, Сеница Е.А. История факторинга: от агентской сделки до индустрии коммерческого финансирования. // Финансы и кредит -С.66-77, А. В. Канаев, Сеница Е.А. Эволюция факторинга: // Институты и рынки //Вестник Санкт-Петербургского университета., Покаместов И.Е, Леденев М.В. Факторинг - Москва: «Инфра-М» 2013, 90 стр. Чиж.Д.М Факторинг как инструмент финансирования внешнеэкономической деятельности. / Дис.канд. экон.,Колобанов Д.Е Факторинг как инструмент и продукт развития банковской деятельности / Дисс. кан.экон.наук. 2010 180стр.

⁵Кариалиев Т.ва бошқ. Банк иши Дарслик китоби Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2016 442 бет., Абдуллаева Ш.З Банк иши Дарслик китоби. -Т.: “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2017. -768 б, У.Азизов и другие., “Банковское дело” учебник -Т.:ИQTISOD-MOLIYA, 2019 720 стр., Рахматуллаев Л.А Перспективы правового регулирования международного факторинга в Узбекистане Диссертационная работа, -Т.: 2009г. 167 стр., З.Умаров. Факторинг моҳияти, унинг банкларда ҳисобга олиниши. 2017. -32-39б. Т: “Бозор, пул ва кредит журнали” 3-сон

факторинг амалиёти билан боғлиқ омилларни эконометрик таҳлил қилиш асосида хулосаларни шакллантириш;

тижорат банкларида факторинг амалиётини амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни таснифлаш;

мамлакатимиз тижорат банкларида факторинг амалиётини ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предметини тижорат банкларида факторингни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий абстракциялаш, эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, эконометрик ва статистик таҳлил, гуруҳлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тижорат банкининг факторинг амалиётини амалга ошириш муддатини амалдаги 90 кундан миллий факторинг хизматида 180 кунгача ва халқаро факторинг бўйича 120 кунгача узайтириш таклиф қилинган;

тижорат банки регресс ҳуқуқли факторинг амалиётини молиялаштиришни амалга ошириш тартиби икки босқичда: дастлаб, 70% га, харидордан тўлиқ сумма келиб тушгандан сўнг қолган 30% ини молиялаштириш таклиф этилган;

икки контурли факторинг операцияларида тижорат банки экспортёрни молиялаштирганда импортёр банк унга кафолатланган факторинг тўловини амалга ошириш таклиф этилган;

банк мижозларга факторинг хизматини амалга оширишда улардан қўшимча ҳужжатлар (мижоз ва дебиторнинг бошқа банкларда очилган барча ҳисоб рақамларининг охириги бир йилдаги тушумлари)ни талаб қилиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

факторингнинг иқтисодий моҳияти бўйича турли қарашлар таҳлил қилиниб, унга муаллифлик таърифи берилган;

факторингнинг бошқа молиялаштириш манбаларидан фарқи ва ўзига хос хусусиятлари асосланган;

факторинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар, жумладан: молиялаштириш манбаларининг чекланганлиги, замонавий дастурий таъминотларнинг етарлича қўлланилмаслиги, малакали кадрларнинг етишмаслиги, рискларни баҳолаш ва уни аниқлашдаги маълумотлар базасининг йўқлиги, мижозларнинг факторинг ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслиги асосланган;

республикамизда факторингни ривожлантириш учун тижорат банклари фақат йирик компанияларга эмас, балки кичик ва ўрта бизнес субъектларига ҳам факторинг хизматини кўрсатиши лозимлиги асосланган;

мамлакатимиз тижорат банклари амалиётида регресс ҳуқуқли, реверсив ва исломий факторингни жорий этиш таклиф қилинган;

тижорат банкларида факторинг амалиётини ривожлантириш учун бир нечта босқичдан иборат чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва илмий

асосланганлиги, факторинг амалиётига доир меъёрий ҳужжатлар, мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг эксперт баҳолари ва илмий ишларидан фойдаланилгани, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси тижорат банки («Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ), халқаро молия ташкилотлари расмий маълумотларининг таҳлилларига таянган ҳолда олинганлиги ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, улардан мамлакатимиз тижорат банкларида факторингни ривожлантириш унинг иқтисодиётимизга қулай бўлган турларини қўллашга доир назарий ва амалий билимларни кенгайтириш, тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотларининг факторингни асосий молиявий хизмат турига киритиши, унинг илмий-услугий асосларини такомиллаштириш, тадқиқот мавзусига оид махсус илмий тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа давлат бошқарув органлари факторинг бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишда, тижорат банкларида факторингни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишда, олий ўқув юртлирида ўқитилаётган «Пул ва банклар», «Банк иши» каби ўқув фанларининг ишчи-ўқув дастурларини такомиллаштириш, услубий қўлланма ва дарсликлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Факторинг амалиётини ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

факторинг хизматини кўрсатиш асосида тўловчининг тижорат банкига пул талабини бажариш муддатини миллий факторинг хизматида 180 кунгача ва халқаро факторинг хизматида 120 кунгача бўлган муддатга узайтириш таклифи «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Бошқарувининг 2021 йил 24 июлдаги 77/5–сон қарори билан факторинг операцияларини амалга ошириш «Тартиби»га киритилди («Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг 2021 йил 15 ноябрдаги 32-05/6525-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ миқозларининг факторинг амалиёти орқали банк операцияларини амалга ошириш ҳажмининг 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 1,15 баробар ошишига эришилган;

тижорат банки регресс ҳуқуқли факторинг амалиётини молиялаштириш тартиби икки босқичда: дастлаб, 70% га, харидордан тўлиқ сумма келиб тушгандан сўнг, қолган 30% ини молиялаштириш таклифи «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Бошқарувининг 2021 йил 24 июлдаги 77/5–сон қарори билан факторинг операцияларини амалга ошириш «Тартиби»га киритилди («Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг 2021 йил 15 ноябрдаги 32-05/6525-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБда факторинг амалиётини амалга ошириш ҳажми 2021 йил 1 ноябрь ҳолатига 575,7 млрд. сўмни ташкил қилган;

икки контурли факторинг операцияларида тижорат банки экспортёрни молиялаштирганда импортёр банк унга кафолатланган факторинг тўловини амалга ошириш таклифи «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Бошқарувининг 2021 йил 24 июлдаги 77/5–сон қарори билан факторинг операцияларини амалга ошириш «Тартиби»га киритилди («Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг 2021 йил 15 ноябрдаги 32-05/6525-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг Халқаро Факторинг Ассоциацияси (FCI)га аъзо бўлиш, у орқали ишончли ҳамкорлар топиш ва экспорт-импорт факторинг операцияларини амалга ошириш бўйича ишлар бошланган;

банк мижозларга факторинг хизматини амалга оширишда улардан қўшимча ҳужжатлар (мижоз ва дебиторнинг бошқа банкларда очилган барча ҳисоб рақамларининг охириги бир йилдаги тушумлари)ни талаб қилиши таклифи «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Бошқарувининг 2021 йил 24 июлдаги 77/5–сон қарори билан факторинг операцияларини амалга ошириш «Тартиби»га киритилди («Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг 2021 йил 15 ноябрдаги 32-05/6525-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонлар (мижоз ва харидор)нинг факторинг операцияларини амалга ошириш жараёнида турли хил йўллар билан пул ювиш ва бошқа банк Низомига зид бўлган операцияларни амалга оширишнинг олдини олиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та, жумладан, 4 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган ҳамда тезислар нашр этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этган маҳаллий илмий нашрларда 7 та ва нуфузли хорижий журналларда 1 та илмий мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, саккизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий матни ҳажми 145 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зурурлиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилишига оид маълумотлар берилган

Диссертациянинг «Факторинг амалиётининг илмий-назарий асослари» деб номланган биринчи бобида факторинг амалиётининг вужудга келиши ва моҳияти, унинг самарадорлик кўрсаткичлари, шунингдек, факторинг бўйича хориж тажрибаси ва уни Ўзбекистон амалиётида қўллаш имкониятлари назарий жиҳатдан ёритиб берилган.

Маълумки, ишлаб чиқарувчилар томонидан етказиб берилган маҳсулот (товар ва хизматлар) учун харидорнинг ўз вақтида тўловни амалга оширмаслиги сотувчи ва харидор ўртасида дебиторлик қарзининг вужудга келиши ва ишлаб чиқарувчининг, ўз навбатида, ликвидлигининг камайишига олиб келади. Бу ҳолат, айниқса, 2020 йилдан бошланиб, ҳозиргача давом этаётган SARS-Cov-2 пандемияси даврида бутун дунё бўйлаб иқтисодийнинг ҳамма жабҳаларида кўрина бошлади. Мазкур муаммонинг мавжудлиги кўпгина хўжалик юритувчи субъектлардан қисқа муддатли молиялаштириш ва даврий ишлаб чиқариш циклини узмаслик учун бошқа муқобил йўллари излашга мажбур қилмоқда. Хўжалик юритувчи субъектлар учун асосий молиялаштириш манбаси банк кредити ҳисобланса, муқобил молиявий хизмат турларидан бири факторинг ҳисобланади.

Турли қарашларни ўрганган ҳолда муаллифнинг факторинг бўйича келтирган таърифи қуйидагича: факторинг - бу молиявий хизматларнинг бир тури бўлиб, бунда факторинг компания (тижорат банки) мижозлардан товарларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида юзага келадиган дебиторлик қарздорлиги ҳуқуқини маълум бир дисконт нархда комплекс хизмат кўрсатиш асносида уни молиялаштиришига айтилади. Бунда банклар ва факторинг компаниялар молиявий агентлар сифатида тўловни кечиктириш шarti билан хизмат қиладилар. Ушбу жараён тижорат кредитининг ўсиши ва ўз навбатида, бизнеснинг кенгайишига, товар ва савдо айланмасини тезлаштиришга олиб келади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида дебитор ва кредитор қарздорлик ҳажми юқори бўлиб, факторинг амалиётидан фойдаланиш ушбу муаммонинг ечимларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, факторингни ривожлантириш банклар учун активларини диверсификация қилиш, уларнинг даромадларини кўпайтиришга хизмат қилади. Факторингни амалга ошириш тартиби 1-расмда кўрсатилган:



1-расм. Факторингни амалга ошириш тартиби⁶

⁶ Ўрганилган адабиётлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Факторинг бевосита хизмат кўрсатиш бўйича: ички (миллий) ва ташқи (халқаро)га бўлинади. Ички факторинг деганда, бевосита факторинг амалиётининг ҳамма иштирокчилари (тижорат банки ё факторинг компания, сотувчи ва харидор) бир мамлакатда жойлашган бўлади. Халқаро факторингда қатнашувчилар мазкур жараёни турли давлатларда туриб амалга оширадилар.

Халқаро факторинг ички факторинг ривожланиши натижасида вужудга келган бўлиб, мазкур операцияда бир ёки иккита (эспортёр ва импортёр) фактор иштирок этади.

Халқаро факторинг амалиётининг икки хили мавжуд:

- тўғридан-тўғри (бир контурли) ташқи факторинг;
- икки контур (омил)ли ташқи факторинг.



2-расм. Дунё бўйича ички ва ташқи факторинг операциялари айланмаси 2007-2019йй (млн.евро)⁷

И.Е.Покеместовнинг фикрига кўра⁸, одатда, ички факторинг опрециялари ташқи факторингдан бир неча баробар ортиқ бўлади ва бу табиий ҳол ҳисобланади, зеро ички факторинг ташқи факторингга қараганда тўғридан-тўғри амалга оширилиши ҳисобидан ушбу нисбат юзага келади (2-расм). Одатда, ташқи факторинг ички факторинг амалиётининг 10-15% ини ташкил қилиши керак, агар бу кўрсаткичдан кам ёки кўп бўлса, бу ўша давлатда иқтисодий ривожланиш яхши ҳолатда эмаслигини билдиради.

Тўғридан-тўғри экспорт–импорт факторингда битта фактор қатнашади ва у экспортёр ёки импортёр мамлакатда туриб операцияларни бошқаради.

Икки контурли факторинг амалиётида мамлакатлар ўртасида иккита тижорат банки (факторинг компанияси) халқаро факторинг операцияларини амалга оширишини англатади. Бунда етказиб берувчи ва харидор томонидан тақдим этиладиган маҳсулот ёки хизмат туридан келиб чиқадиган дебиторлик қарздорлиги ҳуқуқи ва rischi икки фактор ўртасида тақсимланади. Натижада, банк томонидан резидент етказиб берувчи ва норезидент харидорга ҳам ҳисоб-


⁷ www.fci.nl/en. Халқаро факторинг ассоциацияси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

⁸ Покеместов И.Е. Рынок факторинга зарубежных стран. «Банковское кредитование» №3, 2007г. стр. 110-17

китоблар ва факторинг хизматлари кўрсатилади, бу операцияда тўртта иштирокчи қатнашади (3-расм).

Тўламаслик rischi (кредит rischi)ни қайси томон ўз зиммасига олишига қараб, факторинг регресс ҳуқуқли ва регресс ҳуқуқисиз факторинг амалиётига бўлинади.

Молиявий ривожланган давлатларда асосан регресс ҳуқуқисиз факторинг амалиёти кенг тарқалган. Бу тижорат банки (факторинг компания) қарздор дебиторлик тўлов қобилиятига эга бўлмаса, унинг риск мажбуриятини молиялаштирган томон, яъни тижорат банки (факторинг компания) ўз зиммасига олишини аниқлатади.



3-расм. Икки контурли факторинг амалиёти⁹

Чунки тижорат банки (факторинг компания)да харидор дебитор тўлов қобилиятига эга бўлмаган тақдирда, унга нисбатан талаб қилиш (регресс ҳуқуқи) мавжуд бўлмайди. Фактор харидор (дебитор)ни тўлов қобилиятини текширади. Агар харидор тўлов қобилиятига эга бўлса, фактор тузилган факторинг шартномаси асосида сотувчига дебитор қарздорлик суммасини 70-90 % дисконт асосида тўлаб беради.

Регресс ҳуқуқида, аксинча, тижорат банки (факторинг компания)да дебиторнинг қарзлари бўйича тўлиқ талаб қилиш имконияти мавжуд. Хорижий ривожланган давлатларда, асосан, регресс ҳуқуқисиз факторинг амалиёти амалга оширилади. Масалан, ушбу факторингнинг жами факторингдаги улуши Италияда - 69%, АҚШда - 73% га тенг¹⁰. Лекин хорижий мамлакатларда ҳам кўп ҳолларда сотувчилар дебиторлик қарздорлигини қайтариб олиши эҳтимоли паст бўлса, регресси факторинг амалиётига мурожаат қилади¹¹.

Ўзбекистон Республикасида, асосан, тижорат банклари томонидан фақат регресс ҳуқуқисиз факторинг амалиёти амалга оширилади, регресс ҳуқуқли факторинг амалиёти қўлланилиши энди бошланди.

⁹ Ўрганилган адабиётлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹⁰ Bakker M.H. R., Klapper L, Udell G. F. Financing Small and Medium-size Enterprises with Factoring: Global Growth in Factoring—and Its Potential in Eastern Europe. ISBN 83-89188-17. pp-1-50. The World Bank, Poland, Warsaw Office Edition I, Warsaw 2004

¹¹ Ben J. Sopranzetti «The Economics of Factoring Accounts Receivable» pp-1-21. Journal of Economics and Business 1998, Elsevier Science Inc., New York.

Факторингни яна бир тури реверс (тескари) факторинг ҳисобланади. Ушбу факторинг товар ва маҳсулотларни улгуржи шаклда олиб, чакана ҳолда сотадиганлар учун тўловни кечиктириб тўлашга асосланган молиявий хизмат тури ҳисобланади. Гарчи бу хизмат тури харидорни товар маҳсулотларини молиялаштириши ва қайтарилмаслик рискани зиммасига олса ҳам, лекин факторинг компания (тижорат банки) сотувчи билан шартнома тузади. Сотувчи ва фактор ўртасида тузилган шартнома бўйича харидорда қулай имконият пайдо бўлади, яъни у бир қанча улгуржи сотувчи (мол етказиб берувчи)лар билан ҳисоб-китоб қилмасдан, балки битта кредитор билан ишлайди. Бу йирик хўжалик субъектлари учун вақт ва харажатларни тежашга олиб келади. Кичик турдаги мол етказиб берувчилар ҳам бу вазиятдан ютадилар, яъни уларга фактор томонидан комплекс молиявий хизмат кўрсатилади. Сотувчи молини етказиб бергандан сўнг дарҳол ўз маҳсулоти учун нақд маблағ олади. Реверсив факторинг амалиёти қуйидаги схема кўринишида амалга оширилади:



5-расм. Реверсив факторинг¹²

Мамлакатимизда охириги йилларда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар ўлароқ, иқтисодий ривожлантириш, экспорт кўламини оширишга бўлган сайъи ҳаракатлар ечими сифатида реверсив факторингни қўллаш керак, деб ўйлаймиз. Мисол учун, улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланадиган савдо мажмуалари (Korzinka.uz, Makro, Atlas, Carrefour, Navas) ва уларнинг мол етказиб берувчилари билан тижорат банклари айнан реверсив факторинг тури орқали ҳамкорлик қилишни таклиф қилишлари мумкин. Бу борада Мексиканинг “Nafin” банки, шубҳасиз, беқиёс тажрибага эга. Мазкур банкнинг 2001 йилдаги факторингдаги улуши Мексика бўйича 2% ни ташкил қилган бўлса, 2004 йилда факторинг амалиёти тўлиқ электрон реверсив факторинг шаклига ўтгандан сўнг, бу кўрсаткич 60% га етган. 2009 йилга келиб, ушбу дастурда 700 дан ошиқ йирик банк мижозлари қатнашган бўлиб, улардан 36% и давлат секторидаги корхоналар бўлса, қолган 64% и хусусий сектор вакиллари бўлган. Умуман

¹² Ўрганилган адабиётлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

олганда, 2001 йилдан, то 2013 йилгача бўлган даврда мазкур банк томонидан \$24 млрд.доллардан ортиқ реверсив факторинг амалиётлари амалга оширилган¹³.

Дунё бўйича факторинг амалиётининг 2009-2020 йиллар давомидаги таҳлили (1-жадвал) Европа қитъаси бу борада етакчи эканлигини кўрсатади. Агар 2009 йилда Европада факторинг ҳажми 877 млрд. еврони ташкил қилган бўлса, 2019 йилгача фақат ўсган. Фақатгина 2020 йилга келиб, 2019 йилга нисбатан 7% га камайган ва бу пандемия билан боғлиқ. Умумий ҳолда, Европада таҳлил қилинаётган давримизда факторинг операциялари 47% га ошган.

1-жадвал.

2009-2020 йилларда бутун дунё бўйича факторинг амалиёти (млн.евро)¹⁴

	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2020 йилда 2009 йилга нисбатан, % да
Европа	877	1045	1219	1298	1354	1463	1557	1593	1702	1829	1976	1845	110,4
Осиё ва Океания	250	401	566	622	622	649	597	556	657	696	688	697	178,8
Шимолий ва Жанубий Америка	142	186	207	188	192	207	194	199	209	211	219	150	5,6
Африка ва Яқин Шарқ	15	17	23	23	23	30	25	28	30	31	34	35	133,3
Жами	1284	1648	2015	2131	2191	2348	2373	2376	2598	2767	2917	2727	112,4

Дунёда факторинг Европадан кейин Осиё ва Океания давлатларида тез ўсган (1-жадвал). Ушбу ҳудудда 2009 йилда факторинг амалиётлари ҳажми 250 млрд. еврони ташкил қилган бўлса, 2020 йилда 697 млрд. еврога етган ёки 2,8 баробарга ошган.

Дунёнинг факторинг ривожланган давлатлари таҳлил қилинганда (2-жадвал), 2009-2020 йиллар мобайнида Буюк Британия ва Италияда факторингнинг ўсиш суръати юқори бўлиб, унинг ҳажми ЯИМ 12-15% ни ташкил қилган. Италияда таҳлил даврида факторинг айланмаси фақат ўсган, хусусан, бу кўрсаткич 2008 йилда 128 млрд. еврони ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб, 263 млрд. евро бўлган ёки 48% га ошган. Коронавирус пандемияси Италиядаги факторинг айланмасини 2020 йилда 12% га пасайтирган. Буюк Британияда 2008 йилда факторинг ҳажми 188 млрд. еврони ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб 329 млрд.евродан иборат бўлган ва ўсиш 1,75 баробарни ташкил қилган. Фақатгина пандемия туфайли 2020 йилда факторинг ҳажми 18% га қисқарган.

¹³ Moreno-Brid J. C., Caldenty E. P. and others. Changing Challenges in the Modernization of Development Banks in Latin America: The case of Nacional Financiera, Mexico's key Development Bank. https://www.networkideas.org/wp-content/uploads/2017/05/02_2017.pdf

¹⁴ Халқаро факторинг Ассоциацияси (<https://fci.nl/en/> FCI Annual Review) йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Дунёни ривожланган ва ривожланаётган давлатларида факторинг айланмаси 2008-2020йй (млн.евро)¹⁵

Европа	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Буюк Британи я	188000	195613	226243	268080	291200	308096	350622	376751	326878	324260	320193	328966	272677
Италия	128200	124250	143745	175182	181878	178002	183004	190488	208642	228421	247430	263364	234842
Болгария	450	340	550	1010	1500	1600	1728	1820	1947	2919	3211	3532	3300
Хорватия	2100	2450	2793	2269	2269	3146	2498	2885	2825	1340	1094	1140	1132
Венгрия	3200	2520	3339	2817	2676	2661	2827	3779	3635	5730	6911	8550	8820
Польша	7800	12000	16210	17900	24510	31588	33497	35020	39396	44300	56474	66141	62864
Руминия	1650	1400	1800	2582	2920	2713	2700	3651	4037	4560	5007	4854	5023
Россия	16150	8580	12163	21174	35176	41960	29170	23332	28004	33792	43840	45125	42302
Словакия	1600	1130	981	1171	1024	1068	1036	1036	1646	2646	2521	2032	1604
Словения	650	650	650	550	650	626	563	329	1000	1200	1400	2000	1750
Хитой Х.Р	55000	67300	154550	273690	343759	378128	406102	352879	301635	405537	411573	403504	433162
Туркия	19625	18050	20280	38988	31702	32036	41229	39310	35085	34575	26894	21857	18966

Шарқий Европа давлатларида факторингнинг ривожланиши охириги ўн йилликда ўсиш динамикасини кўрсатмоқда (2-жадвал). Бу борада, айниқса, Болгария, Венгрия, Польша, Руминия етакчи ҳисобланади. Болгарияда 2008 йилда факторинг операциялари 450 млн.еврони ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб 3,3 млрд. евро бўлган ёки 7,3 баробарга ошган. Венгрияда ҳам факторингнинг ўсиши юқори суръатларда бўлган. Бу ерда 2008 йилда факторинг айланмаси 3,2 млрд. еврони ташкил қилган бўлса, унинг ҳажми, ҳатто, пандемия даврида ҳам пасаймади ва 2020 йилга келиб, 8,8 млрд. еврога етган ёки 2,7 баробарга ошган.

Факторингни ривожлантириш бўйича хориж тажрибасини ўрганиш ва ундан мамлакатимиз амалиётида фойдаланиш мавжуд муаммоларни бартараф қилишга кўмаклашади. Бу борада Россиянинг факторингни амалга ошириш тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир, чунки биз тарихан бир тизимдан ажралган, иқтисодий ва сиёсий томондан кўп ҳолларда яқинмиз. Ҳозирги пайтда Россияда факторинг амалиёти яхши ривожланмоқда, бунга уни 2014 йилда халқаро конвенция (УНИДРУА)ни ратификация қилиши¹⁶ сабаб бўлган. Шунингдек, Россия Фуқаролик Кодексига факторинг бўйича 2018 йилда алоҳида “Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш” деб номланган бобда “факторинг” терминининг киритилиши¹⁷ норматив - ҳуқуқий томондан асосий сабаб ҳисобланади. Факторингнинг ўсишига, ҳатто, 2014 йилда

¹⁵ Халқаро факторинг Ассоциацияси (<https://fci.nl/en/> FCI Annual Review) йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹⁶ Федеральный Закон Российской Федерации от 5 мая 2014 года О присоединении Российской Федерации к Конвенции УНИДРУА по международным факторинговым операциям. N 86-ФЗ

¹⁷ Гражданский кодекс Российской Федерации (часть вторая) от 26.01.1996. 1-ФЗ (ред. От 09.03.2021)

дунёнинг ривожланган давлатлари томонидан жорий қилинган иқтисодий санкциялар, шунингдек, Россия экспортнинг асосини ташкил қиладиган нефть-газ нархининг дунё бозорида кескин тушиб кетиши (1 барелль нефть нархининг 2014 йилда 107доллардан 25 долларга тушиб кетиши) ҳам катта таъсир қилмади.

Фикримизча, Россияда иқтисодиёт пасайган даврда ҳам факторинг ҳажмининг ўсишига иқтисодий санкциялар туфайли хориж банкларидан паст фоизли ва қисқа муддатли кредитларнинг тўхташи ички бозорда кредитга муқобил манбани топишга ундаши, факторинг шартномаларининг электрон шаклга ўтиши ва тижорат банклари томонидан бериладиган кредит ва факторинг фоиз ставкалари ўртасидаги фарқ йиллар давомида (2013-2019) қисқариши¹⁸ ҳам ижобий таъсир қилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикасида факторинг амалиётининг жорий ҳолати**» деб номланган иккинчи бобида факторинг амалиётининг ҳуқуқий асослари, жорий ҳолати ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинган.

Факторинг операцияларини амалга ошириш учун мукамал қонунчилик базасининг яратилиши, халқаро ва миллий факторинг амалиётларида мазкур нормаларининг қўлланилиши хўжалик юритувчи субъектлар, тижорат банклари ёки факторинг компанияларга ҳар томонлама мақбул ҳисобланади.

Мамлакатимизда факторинг амалиётига доир норматив ҳужжатларни ўрганишимиз натижасида унда бир қатор муаммолар борлигини аниқладик. Жумладан, норматив ҳуқуқий жиҳатдан факторинг операцияларини амалга оширишга асос бўладиган яхлит норматив ҳужжат мавжуд эмас. Факторинг амалиётини ривожлантириш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мувофиқлаштириш лозим. Тижорат банклари факторинг операцияларини амалга ошириши учун, аввало, Фуқаролик кодексига мурожаат қилишлари керак, аммо бу ерда факторинг ҳақида аниқ моддаларнинг йўқлиги тижорат банклари ўртасидаги тушунмовчиликларга олиб келмоқда.

Ўтказилган тадқиқотларимиз натижасида мамлакатимизда факторинг амалиётини ривожлантириш мақсадида унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни таклиф қиламиз:

биринчидан, факторинг бўйича алоҳида норматив ҳужжатни ишлаб чиқиш лозим. Фикримизча, мамлакатимизда банкларнинг алоҳида факторинг амалиётини амалга ошириш бўйича ўз ички тартиблари бўлиши яхши ҳолат, лекин қонун чиқарувчи органлар томонидан факторингнинг умумий тартибларини ўзида жамлаган ягона норматив ҳужжатнинг амалда бўлиши мамлакатимизда факторингнинг ривожланишига хизмат қилади;

иккинчидан, тижорат банкларимиз халқаро факторинг ассоциациясига аъзо бўлиши лозим;

учинчидан, факторинг бўйича Халқаро конвенциялар (УНИДРУА ва ЮНСИТРАЛ)ни ратификация қилиш ва улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

¹⁸ Российский рынок факторинга – итоги 2019 года и прогноз на 2020-й: курс на цифровизацию С.4. <https://www.raexpert.ru/>

Шуни қайд этиш лозимки, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланаётган сари турли хил молиявий хизматларга бўлган эҳтиёж ҳам ўсиб бораверади. Айниқса, тижорат банклари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг факторинг операцияларини қисқа муддатли кредит ва дебиторлик қарзини камайтириш йўлидаги бир инструмент сифатида қабул қилиши ва уни кенг қўллаши лозим.

Факторинг амалиёти ривожланиши тенденцияларига яққол баҳо бериш учун «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 2003 йилдан то 2020 йилгача бўлган даврдаги маълумотларини таҳлил қилдик. 2020 йил маълумотларига асосан, банк активлари 48 323 млрд. сўмни ташкил қилган бўлиб, унинг таркибида факторинг айланмаси 1 фоизни ташкил қилган.

3-жадвал

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБда 2003-2020 йилларда факторингнинг банк активлари ва даромадидаги улуши динамикаси¹⁹

Йиллар	Банкнинг умумий активлари (млн. сўм)	Банкнинг факторинг айланмаси (млн. сўм)	Факторинг айланмасининг умумий активларга нисбати (%)	Банкнинг умумий даромади (млн. сўм)	Комиссион хизматлардан олинган даромадлар (млн. сўм)	Факторинг даромади (млн. сўм)	Комиссион даромадларнинг умумий даромадга нисбати (%)	Факторинг даромадининг умумий даромадга нисбати (%)
1	2	3	4	5	6	7	8	9
2003	311954	20526	6,6	20571	14327	246	69,6	1,2
2004	427681	14456	3,4	24848	19365	202	77,9	0,8
2005	521574	18104	3,5	31303	23099	96	73,8	0,3
2006	683659	9973	1,5	45394	28669	501	63,2	1,1
2007	961591	17950	1,9	65590	38705	245	59,0	0,4
2008	1419284	33964	2,4	84582	52915	188	62,6	0,2
2009	1577023	69730	4,4	102255	57641	3052	56,4	3,0
2010	1904078	77359	4,1	107397	67421	-	-	-
2011	3428995	121951	3,6	139721	88180	1822	63,1	1,3
2012	5012288	144110	2,9	212311	99784	2570	47,0	1,2
2013	6778086	155197	2,3	303467	115088	588	37,9	0,2
2014	7754228	59089	0,8	343226	125440	478	36,5	0,1
2015	8823139	122084	1,4	380504	120998	1318	31,8	0,3
2016	10309008	131079	1,3	466889	146911	1224	31,5	0,3
2017	24306560	148534	0,6	745972	201658	4912	27,0	0,7
2018	31026078	25000	0,1	1359390	255141	1125	18,8	0,1
2019	35846118	144710	0,4	2290730	334039	1465	14,6	0,1
2020	48323845	501942	1,0	3298632	401789	2988	12,2	0,1

¹⁹ 2003-2020 йиллар бўйича «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2003-2020 йиллар давомидаги таҳлиллар шуни кўрсатадики (3-жадвалга қаранг), факторинг амалиётининг банк активлари таркибидаги улуши ўзгарувчан бўлиб, пасайиш тенденциясига эга бўлган. Масалан, 2003 йилда факторингнинг ҳажми 20,5 млрд. сўмни ёки банк активлари таркибида 6,6 фоизни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткичлар 2020, йилда мос, равишда 501,9 млрд.сўм ва 1,0 фоиз бўлган. Бундан кўриниб турибдики, банкда факторинг амалиётининг абсолют ҳажми 24,4 марта кўпайган, аммо унинг банк активларидаги улуши кескин камайган.

«Ўзсаноатқурилишбанк» активлари таркибида факторингнинг улуши 2006 йилда 1,5 фоизга тушиб қолган бўлса, кейинги йилдан ушбу кўрсаткич кўтарилди бошлаган. Энг қизиғи, 2008 йилги жаҳон молиявий инқирозидан сўнг факторинг айланмаси ҳажми кескин ошган ва 2009 йилда унинг ҳажми банк активларидаги улушида деярли икки баробарга ўсган. Ушбу келтирилган далил, илмий ишнинг олдинги бобида қилинган хулоса, яъни факторинг амалиётига молиявий инқирозлар таъсир қилмаслиги исботланди.

Таҳлил шуни кўрсатадики, факторингнинг банк активларидаги улуши 2014 йилдан бошлаб кескин камайган, бу кўрсаткич 2018 йилда энг қуйи нуқтага етиб, 0,1 фоизни ташкил қилган. Ушбу йилда банкда факторингнинг абсолют ҳажми ҳам паст бўлиб, 25 млрд. сўмдан иборат бўлган. Шунингдек, 2018 йилда банк фақат иккита мижози, яъни «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти ва «Навоиозот» акциядорлик жамияти билан факторинг амалиётини амалга оширган. Ушбу корхоналар банкнинг узок йиллик ва йирик мижозлари ҳисобланади. Ваҳоланки, банкнинг кичик ва ўрта бизнес сегментида кўплаб мижозлари бўлиб, улар билан факторинг амалиёти ўтказилмаган.

2020 йилга келиб банкда факторинг амалиётининг ҳажми кескин ошган, бу 2019 йилга нисбатан 3,4 марта кўтарилган. Лекин ушбу ўсиш ҳам банкнинг маълум доирадаги кам сонли мижозлари ҳисобига юз берган.

Таҳлил натижасида хулоса қилиш мумкинки, банкда факторинг амалиёти ҳажми ва унинг банк активларидаги улуши тебранувчан бўлган. Банк факторинг операцияларини ўзининг узок йиллар давомида ҳамкор бўлган ва кам сонли йирик мижозлари билан амалга оширган. Бу факторинг хизматларидан кўпчилик мижозлар фойдаланмаётганини ва банкда ушбу молиявий хизмат тури ривожланмаганини аниқлатади. Ваҳоланки, хорижий давлатларда факторинг амалиётидан кичик ва ўрта бизнес субъектлари кенг фойдаланишади, бу уларнинг ривожланиши учун молиявий имкониятлар яратади.

Банкнинг факторинг амалиёти ҳисобидан оладиган даромадларининг умумий даромадлар таркибидаги улуши пастлигича қолмоқда. Агар ушбу кўрсаткич 2003-2012 йиллар мобайнида ўртача 1 фоиз атрофида бўлган бўлса, шу давр мобайнида факторинг ҳажми 7 мартага ошган. Аммо 2013-2020 йилларда банкни факторингдан оладиган даромадларининг умумий даромадлари таркибидаги улуши пасайиб, ўртача 0,2 фоизни ташкил қилган. Ваҳоланки, ушбу даврда ҳам банк факторинг амалиётлари ҳажми 3,2 мартага ошган, аммо банк умумий активлари 9,6 мартага кўпайган. Бундай тенденциянинг сабаби, банк, асосан, йирик ва шу билан бирга кўп йиллар давомида ҳамкорлик қилган мижозлари билан факторинг амалиётини бажарган. Банк чекланган санокли мижозлар билан rischi жуда паст бўлган факторинг турларини амалга оширган.

Бироқ банкнинг бошқа мижозлари ушбу амалиётдан фойдаланмаган. Бу борада илмий ишнинг биринчи қисмида келтирилган далил, яъни тижорат банки ёки факторинг компанияси регресс ҳуқуқсиз факторинг амалиётини фақатгина ишонarli мижозлари билан амалга оширилиши исботланди.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда кўпгина хўжалик субъектлари факторинг амалиётини ўзларининг дебитор қарзларини камайтириш учун қулай молиявий хизмат эканлигини билишмайди. Шу боисдан, улар банк кредитидан фойдаланишни афзал кўришади. Шунинг учун ҳам республикаимизда тижорат банклари факторинг амалиётини ривожлантиришлари учун молиявий хизматлар бозорида уларга қулай шарт-шароитлар яратилиши лозим. Акс ҳолда хўжалик субъектлари банк кредитларига мурожаат қилишади, бу эса, ўз навбатида, факторинг амалиётининг ривожланишига салбий таъсир қилади.

4-жадвал

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБда комиссия хизматлардан олинадиган даромад таркиби динамикаси (%)²⁰

Йил лар	Факторинг	Ҳисоб - китоб Операциялари	Хорижий валюта лар билан операциялар	Халқаро пул ўзказмаларидан келиб тушади ган даромад	Банк кафолатлари ни тақдим қилиш	Аккре дeтив бўйича операциялар	Менежмент хизматлари	Касса операциялари	Бошқа хизмат турлари	жами комиссия хизматлардан олинадиган даромад
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
2003	0,9	54,8	2,4	14,7	7,7	4,2	5,4	5,8	4,0	100
2004	0,6	55,5	3,8	13,1	7,1	4,0	4,3	5,8	5,7	100
2005	0,3	60,3	4,8	11,9	6,5	3,6	3,3	4,7	4,6	100
2006	1,2	60,9	4,4	11,3	6,1	3,2	2,9	3,7	6,3	100
2007	0,5	66,7	5,3	10,6	5,7	3,2	2,9	4,1	1,0	100
2008	0,3	66,3	10,7	10,5	4,6	2,2	2,2	2,6	0,6	100
2009	4,6	66,3	14,2	4,3	4,1	2,2	1,7	2,5	0,0	100
2010	-	60,0	13,6	3,7	3,5	1,5	1,6	2,1	1,1	100
2011	2,0	70,3	13,4	3,5	4,0	2,0	1,9	1,6	1,4	100
2012	2,4	70,7	14,0	3,0	2,0	3,1	2,1	2,2	0,5	100
2013	0,5	74,0	9,9	4,2	2,8	2,8	2,8	2,0	1,1	100
2014	0,4	71,0	10,9	6,0	3,6	2,4	2,7	1,6	1,3	100
2015	1,1	77,3	5,8	4,3	4,3	1,1	1,6	3,3	1,3	100
2016	0,8	76,6	7,4	5,6	3,0	1,4	2,3	2,1	0,8	100
2017	2,3	62,2	17,8	7,1	3,1	1,2	2,9	1,5	1,9	100
2018	0,4	69,3	12,0	8,2	0,9	2,3	2,8	1,5	2,7	100
2019	0,4	64,6	16,2	10,1	2,7	2,4	2,0	1,2	0,4	100
2020	0,7	58,8	15,4	10,0	9,0	2,0	2,7	1,2	0,3	100

Юқоридаги жадвалда банкнинг факторингдан олинадиган даромаднинг умумий комиссия даромадлар таркибидаги улуши таҳлил қилинди (4-жадвалга қаранг). Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, факторингдан олинадиган даромаднинг

²⁰ 2003-2020 йиллар бўйича «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган

умумий комиссия даромадлар таркибидаги улуши жуда паст. Шу билан бирга, ушбу кўрсаткич таҳлил қилинган даврда тез ўзгарган ва тебранувчан бўлган, агар 2009 йилда 4,6 фоиз бўлиб, энг юқори даражада бўлса, 2005 йил ва 2008 йилларда 0,3 фоиз бўлган, холос. Факторингдан олинган даромаднинг умумий комиссия даромадлар таркибидаги улуши 2020 йилга келиб, 0,7 фоизни ташкил қилган. Таҳлил қилинган 2003-2020 йиллар мобайнида факторинг амалиётидан олинган даромадлар ҳажми 12 баробарга ошган бўлса ҳам унинг банкнинг комиссия даромадлари таркибидаги улуши 1 фоиздан ошмаган. Бунга сабаб: комиссия даромадлар таркибида бошқа хизмат турлари, хусусан, ҳисоб-китоб операциялари, хорижий валюталар билан операциялар, халқаро пул ўтказмалари ва банк кафолатлари ўсиши бўлган.

Таҳлил натижасида хулоса қилиш мумкинки, банк даромадларини янада ошириш учун муҳим манба факторинг операцияларини ошириш ҳисобланади.


«Ўзсаноатқурилишбанк» ҳудудий филиаллари кесимида 2003-2020 йиллар оралиғида амалга оширилган факторинг айланмаси таҳлили амалга оширилди. Ушбу таҳлилдан маълум бўлдики, банкнинг ҳудудий филиаллари кесимида факторинг амалиёти ҳажми бир хил бўлмаган (8-расмга қаранг).

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонидан амалга оширилган факторинг операциялари таҳлили натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

биринчидан, банкда факторинг амалиёти ҳажми ва унинг банк активларидаги улуши таҳлил қилинган даврда тебранувчан бўлган;

иккинчидан, факторинг банк даромади ва комиссия даромадлар таркибида паст улушни ташкил қилган ва барқарор эмас;

